

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ОЙБЕК УМАРОВИЧ

**ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯДАН КЕЙИНГИ ЎТ ҚОПИ ЎРНИДАН ҚОН
КЕТИШИНИ ГЕМОСТАТИК ИМПЛАНТАТ–КОЛЛАГЕНЛИ
ГЕМОГУБКАДАН ФОЙДАЛАНИБ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ**

14.00.27 –Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Ойбек Умарович

Холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини
гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб
профилактика қилиш..... 5

Рахимов Ойбек Умарович

Профилактика кровотечения из ложа желчного
пузыря после холецистэктомии с использованием
гемостатического имплантата–гемогубка коллагеновая.....23

Rakhimov Oybek Umarovich

Postcholecystectomic bladder bed bleeding prevention using
a hemostatic implant – collagen hemostatic sponge43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ОЙБЕК УМАРОВИЧ

**ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯДАН КЕЙИНГИ ЎТ ҚОПИ ЎРНИДАН ҚОН
КЕТИШИНИ ГЕМОСТАТИК ИМПЛАНТАТ–КОЛЛАГЕНЛИ
ГЕМОГУБКАДАН ФОЙДАЛАНИБ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ**

14.00.27 –Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1577 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович тиббиёт фанлари доктори |
| Расмий оппонентлар: | Худайбергенов Шухрат Нурматович тиббиёт фанлари доктори Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори |
| Етакчи ташкилот: | Н.В. Склифосовский номидаги тез ёрдам илмий текшириш институти (Москва) |

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» Июль куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (024 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» Июль куни тарқатилди.
(2021 йил 7 Июль даги 7 рақамли реестр баённомаси).



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котис тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг қатор мамлакатларида XXI аср бошидан бошлаб, ўт йўллари хасталиклари аниқланганлар сонининг кескин ортиши кузатилмоқда. Ўт йўллари хасталиклари бутун дунёда 10% дан кўпроқ беморларда аниқланган бўлиб, бугунги кунда гепатобилиар хирургиянинг олдида турган кўплаб муаммолари жумласидан энг муҳимларидан бири, ишончли ва шикастсиз гемостаз ҳамда билистаз усулини қидириш ҳисобланади. Бу эса операциядан кейинги даврнинг силлиқ кечишига кўп томондан боғлиқдир. Дунё бўйича «...хар йили ўт қопи ва ўт йўлларида бажариладиган 2,5 млн амалиётлардан, йилдан-йилга улар орасида каминвазив усуллар кўлами ҳам ортиб бормоқда...»¹. Электрохирургия энг кўп термик шикастланишларга сабаб бўлади, аммо халигача амалиётларда энг кенг қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги даврда хирургик амалиётларда ўт қопи ўрнидан қон кетишини тўхтатишнинг хар хил усуллари мавжуд (биологик, физик, кимёвий). Юқори самарадор ва қўлланилиши қулайлиги албатта шарт бўлган янги гемостаз воситаларини излаш ва кашф қилиш хирургиянинг долзарб муаммосидир. Замонавий хирургия арсеналида мавжуд турли хил кенг спектрдаги усулларнинг хилма-хиллигига қарамай, ўт қопи ўрнидан қон кетишида гемостаз, (ҳамда кўп ҳолларда биргаликда кузатиладиган ўт оқиши) муаммоси долзарблигини сақлаб қолмоқда - олдинги аллақачон ўрганилган усулларни такомиллаштириш зарурати мавжуд, шунингдек айни муаммони бартараф этишга қаратилган янги ечимлар топишни талаб қилади (Горский В.А. ва ҳаммуал., 2015). Илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги, муаммонинг ўзи ва уни ҳал қилиш йўлида ягона қарашларнинг йўқлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва даволаш муаммоларини ҳал этишнинг ягона ечими мавжуд эмаслигини тақозо қилади.

Жаҳон бозори бугунги кунда аппликацион қон тўхтатувчи имплантатларнинг кенг ассортиментини таклиф этади. Холецистэктомияда ишлатилиши мумкин бўлган гемостатиклар маҳаллий таъсирга эга коагулянтлар, герметиклар ва адгезивларга бўлинади: герметиклар қон кетишида гемостазни таъминловчи барьерни ҳосил қилади; адгезивлар эса қон кетиш жойини ўраб турган тўқималарни ёпиштиради. Гемостатиклар асл препаратлар - Veriplast, BioGlue, Quixil, Tissucol, Tachosil, ҳамда тиббий препаратларга – Coseal, Curaspon, Dermabond, Floseal, Glubran, Histoacryl, Syvek, Tabotamp, Гемоблок, Гемостоп, Spongostan ёки Surgiform бўлинади². Жаҳонда холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика

¹Kitamura H., Tsuji T., Yamamoto D., Takahashi T., Kadoya S., Kurokawa M., Bando H. Int/J Surg. Case Efficiency of fluorescent cholangiography during laparoscopic cholecystectomy for subvesical bile ducts: A case report. Rep. 2019; 57: p. 194-196.

² диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тахлили куйидаги манбалардан фойдаланилди: scholar.google.ru, www.mendeley.com, www.scopus.com, webofknowledge.com, highwire.stanford.edu, www.ndltd.org/resources, www.cochranelibrary.com, pubmed.ncbi.nlm.nih.gov, www.researchgate.net/publication, www.hematology.org, www.unboundmedicine.com, brit-thoracic.org.uk

қилиш имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада интраоперацион қўшимча аппликацион гемостаз сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги маҳаллий гемостатик имплант гемогубканинг самарадорлигини, ўт қопи ўрнидан қон кетишида фойдаланиладиган янги маҳаллий ишлаб чиқарилган гемостатик имплант гемогубка ҳорижий аналогларга нисбатан солиштириш, лапароскопик ва анъанавий холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишида гемостаз мақсадида гемогубка ва юқори частотали электрохирургик таъсир фойдаланиш ҳамда ўт қопи ўрнидан қон кетишида гемостатик имплант гемогубкадан фойдаланиш самарадорлигини, стандарт фармакоиктисодий таҳлил маълумотлари ёрдамида гемостазни янги самарали усулини ишлаб чиқиш ва қайта қон кетишини олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»³ каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш имкониятларидан кенг фойдаланиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилишч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Самарали гемостазни таъминлаш замонавий хирургиянинг энг мухим вазифаларидан биридир. Шошилишч хирургия учун кўпинча ўт қопи ўрнида ишончли гемостазнинг йўқлиги етарлича одатий ҳолдир (Хаджибаев А.М. ва ҳаммуал. 2011, Степанов Ю.А., 2010, Назыров Ф.Г., 2016). Шу сабабли, лапароскопик хирургияда ҳам ишлатиш мумкин бўлган ишончли клейли субстанциялар ва маҳаллий гемостатик воситалар йўқлиги долзарб муаммодир (Eric C.H. Lai, et al., 2011). Қон кетиш хавфини камайтириш учун операция вақтида ишончли турғун гемостазни таъминлаш, улкан клиник ва иқтисодий самарадорликни келтиришини кутиш мумкин (Corral M., et al., 2015). Мавжуд усуллар эволюцияси жараёнида, маҳаллий таъсир қилувчи қон тўхтатувчи воситалар ва янги препаратларнинг пайдо бўлиши билан, хирургик амалиётларда қон тўхтатиш учун аппликацион воситаларни янги ва самаралироқ усуллари оммалашини тахмин қилиш мумкин (Martinez-Ramos C. et al., 2014). Ишлаб чиқарилишида хомашё сифатида хитозан, крахмал, целлюлоза каби табиий полимерлар ишлатилган гемостатик дори воситалари катта қизиқиш уйғотади. Ўт қопи ўрнига ишлов бериш пайтида йўл қўйилган хатолар операция вақтида ҳам ва операциядан кейинги даврда ҳам қон кетиши сабаби бўлиб қолиши мумкин. Ўт-тош касаллигини хирургик даволаш жараёнида, биринчи навбатда ўт қопи ўрнига нотўғри ёки етарли даражада ишлов берилмаслиги сабаб бўладиган асоратлар етарли даражада кўп кузатилади – мазкур муаммо биринчи галда албатта бартараф этилиши лозим, чунки аҳоли касалланиши орасида ЎТК билан оғриш анча сезиларли салмоққа эга (Chiara Lo Nigro, et al., 2012). Анъанавий операциялардаги каби операция пайтида ишончли гемостазнинг етишмаслиги лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭК) пайтида конверсиянинг асосий сабабларидан биридир. Геморрагик асоратлар учраши 0,04-22% ни ташкил қиладиган ЛХЭК пайтида, паренхиматоз қон кетишини тўхтатиш ўта долзарблигича қолмоқда (Suuronen, S., et al., 2015).

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими, жигар ва ўт қопи тизими касалликлари хирургиясининг амалиётида беморларда жаррохлик амалиётини (Каримов Ш.И., 2011, Хаджибаев А.М., 2015, Назиров Ф.Г., 2016, Баймаков С.Р., 2020) олиб боришган, бироқ, холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш ишлари амалга оширилмаган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда бугунги кунда лапароскопик холецистэктомия пайтида паренхиматоз қон кетишини интраоперацион тўхтатиш муаммоси долзарблигини сақлаб қолган. Ҳам анъанавий, ҳам лапароскопик холецистэктомия учун бирдек тегишли бўлган, ўт қопи ўрнида интраоперацион гемостаз самарадорлиги юқори долзарблиги муаммоси ечими ҳисобланган мамлақтимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий гемостатик «Гемогубка»нинг кенг қўламда амалиётга тадбиқ қилиниши муаммонинг долзарблигини йўқотиши мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ № 01980006703 «Қорин бўшлиғи аъзолари ўткир хирургик касалликларини даволаш натижаларини хирургик тактикани мукамаллаштириш ва янги усулларини яратиш орқали яхшилаш» мавзусидаги (2018-2022 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади холецистит билан хасталанган беморларни даволашда холецистэктомиядан кейин натрий-карбосиметил-целлюлоза асосли янги маҳаллий гемостатик имплант гемогубкани клиник қўллаш ёрдамида натижаларни яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интраоперацион қўшимча аппликацион гемостаз усули сифатида янги маҳаллий гемостатик имплант гемогубкадан фойдаланиш самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

ўт қоғи ўрнидан қон кетишида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги маҳаллий гемостатик имплант гемогубка ва хорижий «SPONGOSTAN™ STANDART» Distributed by ETHICON™ USA (Ferrosan Medical Devices, Soeborg, Denmark) гемостатик губкасини гемостатик таъсирини таққослаб баҳолаш;

лапароскопик ва анъанавий холецистэктомиядан кейинги ўт қоғи ўрнидан қон кетишида гемостаз мақсадида гемогубка ва юқори частотали электрохирургик таъсирдан фойдаланиш натижаларини таққослаш;

ўт қоғи ўрнидан қон кетишида гемостатик имплант гемогубкадан фойдаланиш самарадорлигини клиник текширувлар ҳамда стандарт фармакоиктисодий таҳлил усуллар маълумотлари ёрдамида баҳолаш ва гемостазни янги самарали усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги И.Эргашев номли 4-шаҳар клиник шифохонасининг хирургия бўлимида ўткир ва сурункали холецистит билан даволанган, 21 ёшдан 91 ёшгача бўлган 200 нафар беморлардан 80 нафари асосий гуруҳни, 101 нафар бемор назорат гуруҳини, 19 нафар бемор таққослаш гуруҳини ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўт қоғи ўрнида маҳаллий гемостазни ҳар хил усулларини қўлланилиши натижалари, анъанавий ва лапароскопик холецистэктомияларда янги маҳаллий гемостатик имплант гемогубка қўлланилиши асосида қон кетишини тўхтатиш ва қайтадан қон кетишини олдини олишни баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, яъни, ўт қоғи ва унинг ўрни, жигар ичи ва ташқи ўт йўллари, ошқозон ости беши ва буйраклар ультратовуш текшируви, МР-холангиография, эзофагогастроуденофиброскопия ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электрокоагуляциядан фойдаланилганда қисқа вақт ичида унинг максимал энергия қийматларига эришиши сабабли, электрод қўйилган нуқтасида сезиларли хажмдаги некроз ва дистанцион куйиш ўчоқларини келтириб чиқариши исботланган;

электрокоагуляциядан фойдаланилганда термик шикастланиш натижасида операциядан кейинги дастлабки даврда қон таркибидаги аланинаминотрансфераза ва аспартатаминотрансфераза ферментлари фаоллигининг ортиши, гипербилирубинемия ва гипертермия ҳолати, гепатоцитларнинг физиологик ҳолатида ўзгаришларни юзага келиши исботланган;

анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиялардан кейин ўт қопи ўрнидан қон кетишида гемостаз ва рецидив қон кетиши профилактикаси учун янги маҳаллий дори воситаси «Гемогубка» қўлланилган ва унинг юқори гемостатик самараси, ўт қопи ўрнига юқори адгезивлиги исботланган;

холецистэктомиядан кейин ўт қопи ўрнига «гемогубка» гемостатик дори воситасидан фойдаланиб ўт қопи ўрнидан қон кетишини тўхтатиш - гемостазнинг янги самарали усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги гемостатик дори воситасидан фойдаланиш билан таклиф этилган ўт пуфаги ўрнидан қон кетишини тўхтатиш усули, холецистэктомиядан сўнг ўт қопи ўрнидан қон кетишини самарали тўхтатиш имконини берган;

янги гемостатик препарат гемогубканинг интраоперацион гемостаз ва холецистэктомияларда операциядан кейинги рецидив қон кетишини профилактикаси учун юқори самарадорлиги очиб берилган;

гемогубка гемостатик воситаси аналогларига нисбатан ўт қопи ўрни, жигар тўқимасига юқори даражада ёпишқоқлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш имкониятларидан фойдаланиш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти лапароскопик ва анъанавий холецистэктомия вақтида ўт пуфаги ўрнида интраоперацион гемостаз муаммосини ҳал қилишга катта ҳисса қўшган, маҳаллий гемостаз муаммосини ечиш учун биринчи марта мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, юқори гемостатик самарали, ўт қопи ўрни, жигар тўқимасига юқори адгезив ҳамда биоинерт янги дори воситаси Гемогубка қўлланилганлиги натижасидаги гемостазнинг янги усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларнинг амалий аҳамияти холецистэктомиядан сўнг ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемогубка ёрдамида олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган усул операциядан кейинги рецидив қон кетишини

камайтириш имконини берганлиги, гемогубкадан фойдаланиш ёрдамида профилактик самарадорлигини ошириш орқали қон кетишини тўхтатиш жаррохлик амалиётидан кейинги асоратларни 1,5 мартага, ўрин/кунлар давомийлигини 2 баробарга камайтириш, беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берганлиги, беморларнинг эрта ижтимоий-меҳнат реабилитациясига имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш имкониятларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиш орқали профилактик самарадорлигини ошириш имкониятларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида «Холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш имкониятларини такомиллаштириш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н–р/18–сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиш ёрдамида профилактик самарадорлигини ошириш орқали қон кетишини тўхтатиш беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган;

лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемогубкадан фойдаланиб тўхтатиш орқали беморларни даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган илмий натижалар асосида «Лапароскопик холецистэктомияда янги гемостатик коллагенли гемогубка қўлланилиши» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н–р/436–сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиш ёрдамида профилактик самарадорлигини ошириш қон кетишини тўхтатиш орқали, жаррохлик амалиётидан кейинги асоратларни 1,5 мартага, ўрин/кунлар давомийлигини 2 баробарга камайтириш, беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган;

холецистэктомиядан кейинги ўт қопи ўрнидан қон кетишини гемостатик имплантат–коллагенли гемогубкадан фойдаланиб, профилактика қилиш имкониятларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, И.Эргашев номли 4-сон шахар клиник шифохонаси, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали ҳамда «HAPPY LIFE» хусусий шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 08–09/5794-сон маълумотномаси).

Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўткир ва сурункали холецистит билан хастланган беморлар хирургик даволашининг бевосита натижалари яхшиланишига, беморларнинг шифохонада бўлиш ўртача давомийлиги қисқаришига ва беморларнинг эрта ижтимоий-меҳнат реабилитациясига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Холецистэктомиядан сўнг ўт қоғи ўрнидан қон кетишининг учраши ва сабабларининг замонавий тасаввури (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ўт-тош касаллиги муаммосига комплекс ёндашиш бўйича маҳалий ва хорижий адабиёт манбалари ўрганилиб, шу жумладан хирургик аралашувлар, анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиялар, ЎТК ташхиси, операция вақтида ва операциядан кейинги асоратлар, холецистэктомиядан сўнг ўт қоғи ўрнидан қон кетишини тўхтатиш усуллари тўғрисидаги замонавий қарашлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Холецистэктомиядан кейинги ўт қоғи ўрнидан қон кетишини тўхтатиш ва профилактикаси бўйича тадқиқотнинг материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва вазифаларга мувофиқ илмий тадқиқот ишининг режаси ишлаб чиқилган, ўрганиш объекти ва замонавий услублар тўплами танланган. Ушбу ишда И.Эргашев номидаги 4-сон шаҳар клиник шифохонасида стационар даволанишда бўлган ўткир ва сурункали тошли холецистит билан

касаланган 200 нафар беморни ўрганиш натижалари келтирилган. Улардан биринчи (асосий) гуруҳ - 80 нафар беморга гемостаз мақсадида ўт қопи ўрнига холецистэктомиядан сўнг, 1 г гемогубка кукуни ишлатилган (1-расмга қаранг); иккинчи (назорат) гуруҳга - 101 нафар беморга холецистэктомиядан сўнг, ўт қопи ўрнига монополяр электрод билан электрокоагуляция қилиш орқали гемостаз амалга оширилган (2-расмга қаранг), учинчи (таққослаш) гуруҳ - 19 нафар беморга холецистэктомиядан сўнг ўт қопи ўрнига гемостаз мақсадида гемостатик губка «SPONGOSTAN™ STANDART» Distributed by ETHICON™ USA (Ferrosan Medical Devices, Soeborg, Denmark) ишлатилган (3-расмга қаранг).




А



Б

1-расм. Гемогубка лапароскопик холецистэктомиядан (А) ва анъанавий холецистэктомиядан (Б) сўнг ўт қопи ўрнига аппликация усулида қўлланиши.



А



Б


2-расм. Электрокоагуляцияни қўллаш, ЛХЭК дан кейин термик куйиш зоналари (А), ТХЭК дан (Б) дан кейин ўт қопи ўрнидан қон кетиши.

Жинс буйича тақсимланганда 157 нафар бемор (78,5%) аёл, 43 (21,5%) эркакни ташкил этган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $50 \pm 13,7$ ёшни, назорат гуруҳида $55,9 \pm 14,2$ ёшни, таққослаш гуруҳида $45 \pm 15,2$ ёшни ташкил этган, уларнинг 77,2% меҳнатга лаёқатли ёшда (60 ёшгача) бўлган.

Ушбу факт кўриб чиқилаётган муаммонинг алоҳида ижтимоий аҳамиятини таъкидлайди.



А



Б

3-расм. «SPONGOSTAN™ STANDART» Distributed by ETHICON™ USA (Ferrosan Medical Devices, Soeborg, Denmark)» лапароскопик холецистэктомиядан (А) ва анъанавий холецистэктомиядан (Б) сўнг ўт қопи ўрнида аппликация усулида қўлланиши.

Тадқиқот усуллари клиник ва касаллик тарихи маълумотларини, умумий клиник усуллари; қон ва сийдик умумий таҳлилини ўз ичига олган. Биокимёвий қон таҳлилида АЛТ, АСТ, билирубин миқдори, қон коагулограммаси ўрганилган. Инструментал усулларга ўт қопи ва ўрни, жигар ичи ва ташқари ўт йўллари, ошқозон ости беши, буйрақлар ултратовуш текшируви (УТТ); МР - холангиография; ЭГДФС; ЭКГ текширувлари кирган.

Интраоперацион қон йўқотиш хажми Либов усули асосида гравиметрик усулда аниқланган. Иқтисодий самарадорликни клиник-иқтисодий таҳлили ушбу тадқиқотлар ўтказиш стандарти ва фармакоиқтисодий тадқиқотлар усуллари мувофиқ ўрганилган.

Тадқиқот материаллари статистик жиҳатдан параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида таҳлил қилинган. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва натижаларини визуализация қилиш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 дастури (ишлаб чиқарувчи IBM Corporation) ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Лапароскопик холецистэктомиядан кейинги эрта операциядан сўнгги давр**» деб номланган учинчи бобида шу мавзуга оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Биринчи гуруҳда 37 нафар беморда лапароскопик холецистэктомиядан сўнг гемостаз қилиш мақсадида ўт қопи ўрнига ўртача 1 г хажмда гемогубкадан фойдаланилган. Препарат ўт қопи ўрнига 10 мм манипуляция порти орқали контейнер ёрдамида етказилган. Гемостаз 2-3 дақиқа давомида кузатилган. Шунини таъкидлаш керакки, 1-2 дақиқа ичида кукун ёпишқоқ гель шаклини олган, жароҳат юзасини қоплайди, ўт қопи ўрнига ёпишади ва капилляр қон кетиши тез тўхтатган. Шунини эсда тутиш керакки, диаметри 1 мм дан ортиқ бўлган томирлардан массив қон кетиши мавжуд бўлганда, гель ишончли гемостазни таъминлай олмайди. Фақатгина шу ҳолатларда нуқтали

электрокоагуляция қўлланилган. Шундан сўнг, ўт қопи ўрнини назорат текшируви ўтказилди. Асосий гуруҳда интраоперацион гемостаз давомийлиги $2,3 \pm 0,49$ дақиқани ташкил этган.

Асосий гуруҳдаги беморларда гемоглобиннинг $112,1 \pm 9,5$ г/л гача пасайиши, лейкоцитларнинг меъёрга нисбатан ўртача ортиши $10,3 \pm 7,1 \times 10^9$ /л гача, гематокритнинг $33,7 \pm 0,5\%$ га камайиши, эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) $21,4 \pm 3,8$ мм/соатгача ўсиши кузатилган. Асосий гуруҳдаги беморларда билирубиннинг $23 \pm 3,3$ мкмол/л гача ошиши, тўғри билирубиннинг $5,8 \pm 3,8$ мкмол/л гача ошиши, шунингдек даволаниш даврида АСТ ва АЛТ миқдори меъёрдан $43,3 \pm 2,9$ Бирлик/л (Б/л – ЕД/л) ва $41,5 \pm 5,9$ Б/л га ошиши кузатилган.

Жигар ости соҳасидаги дренаждан ажралган суюқликнинг ҳажми ва характерини ҳисобга олган ҳолда, 22 ҳолатда иккинчи куни, жигар ости соҳасини ультратовуш текшируви назоратидан кейин дренажлар олиб ташланган. 1-куни дренаждан ажралма ҳажми ўртача 20 мл ни, 2-куни 15 мл, 3-куни 5 мл ни ташкил этган, 3-куни фақат 5 ҳолатда ажралма сероз характерда ва 3 ҳолатда сероз-геморрагик ажралма сероз ажралма устунлиги билан ажралган. Буни ҳисобга олган ҳолда, жигар ости соҳа УТТ дан сўнг, дренаж найчалари олинган. Фақат 1 ҳолатда, операциядан кейинги дастлабки 3 кун ажралма ҳажми нисбатан кўп бўлганлиги сабабли, дренаж найча 5-куни олиб ташланган. Клиник кузатувларнинг асосий гуруҳида дренаж найи ўртача $1,4 \pm 1$ кун давомида сақланган.

Операциядан кейинги даврнинг 1-кунида беморларда гипертермия $37,1 \pm 0,6$ °С, 2-куни ҳарорат меъёрий ҳолатга қайтган, $36,7 \pm 0,51$ °С ни ташкил этган.

Ушбу гуруҳда операциядан кейинги асоратлар 6 (16,2%) ҳолатда кузатилган. Асосий гуруҳда операция давомида қон йўқотиш ҳажми ўртача 65 ± 13 мл ни ташкил этган. Операция вақти 55 дан 80 дақиқагача, ўртача $61,2 \pm 4,8$ дақиқани ташкил этган. Операциядан кейинги ўрин/кун ўртача $2,6 \pm 0,55$ кун бўлган.

Назорат гуруҳидаги 56 нафар беморда ўт қопи ўрни гемостаз монополяр коагуляция ёрдамида эришилган. Назорат гуруҳида ЛХЭК пайтида тўқималарни ажратиш ва коагуляцияси стандарт техникага мувофиқ электрокоагуляция ёрдамида амалга оширилган.

Назорат гуруҳидаги беморларда гемоглобин даражасининг ўртача $102,3 \pm 15,3$ г/л гача пасайиши, даволаш даврида лейкоцитларнинг меъёрга нисбатан $11 \pm 3,4 \times 10^9$ /л гача ортиши, гематокритнинг $36,2 \pm 3,2\%$ гача пасайиши, ЭЧТ меъёрга нисбатан ўртача $26,8 \pm 12,9$ мм/соатгача ошиши кузатилган. Назорат гуруҳидаги беморларда қонда глюкоза миқдори $8,7 \pm 2,98$ ммол/л гача ортиши, билирубиннинг $23 \pm 6,75$ ммол/л гача ошиши, тўғри билирубин миқдорини $5,9 \pm 0,42$ ммол/л гача кўтарилиши кузатилган, шунингдек даволаш даврида АСТ ва АЛТ даражаси меъёрдан ошиб, мос равишда $60,1 \pm 6,5$ Б/л ва $61,7 \pm 6,5$ Б/л ни ташкил этган. Назорат гуруҳидаги беморларда ПТИ меъёрга нисбатан ўртача $75,8 \pm 8,7\%$ гача пасайиши кузатилган.

Назорат гурухи беморларда операциядан кейинги биринчи кунда дренаж найчалардан ажралма 37 (64,3%) ҳолатда сероз-геморрагик ва сероз-геморрагик характерда геморрагик устунлигида бўлган. 2-куни 17 (30,4%) беморда дренаж найчасидан сероз-геморрагик ажралма ажралган ва геморрагик устунлик билан сероз-геморрагик ажралма 3 тагача камайган. Фақат 1 ҳолатда дренаж найчадан 6 кун давомида ажралма кўплиги сабабли 7-куни найча олиб ташланган. Дренаждан ажралган суюқлик миқдори биринчи куни ўртача 31,2 мл, иккинчи куни 18,2 мл, учинчи куни эса 11,5 мл ни ташкил этган. Назорат гуруҳидаги ўт қоғи ўрнида дренаж ўртача $2,8 \pm 0,8$ кун давомида сақланган.

Назорат гуруҳида интраоперацион гемостаз вақти $4,2 \pm 0,47$ дақиқани, операция давомида қон йўқотиш ҳажми ўртача 105 ± 16 мл ни ташкил этган. Операция давомийлиги ўртача $72,8 \pm 14,8$ дақиқани ташкил этган.

Операциядан кейинги даврнинг биринчи кунда беморларда гипертермия $37,8 \pm 0,45^\circ\text{C}$, 2-куни $37,5 \pm 0,32^\circ\text{C}$, 3-куни $36,8 \pm 0,35^\circ\text{C}$, 4-кун $36,7 \pm 0,32^\circ\text{C}$ ва 5-куни $36,6 \pm 0,06^\circ\text{C}$ ни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги 14 нафар (25%) беморда турли хил асоратлар кузатилган. Хос асоратлар 1 нафар (1,8%) беморда ўт қоғи ўрнидан қон кетиши кузатилган ва унга релапароскопия, ўт қоғи ўрни коагуляцияси қилинган. Операциядан кейинги даврда 1 (1,8%) ҳолатда операциядан 4 соат кейин дренаж орқали 10 мл гача ўт оқиши кузатилган, лапаротомия қилинмаган. Операциядан кейинги 2-кундан бошлаб динамикада ўт ажралиши миқдори камайган ва операциядан кейинги 4-куни бутунлай тўхтаган. Операциядан кейинги ўртача ўрин/кун $3,4 \pm 1,2$ кунни ташкил этган.

Таққослаш (3) гуруҳига кирган 14 нафар беморга ЛХЭК да ўт қоғи ўрни гемостази учун «SPONGOSTAN™ STANDART» ишлатилган.

Бу гуруҳ беморларда даволаниш даврида гемоглобин даражасининг ўртача $110,7 \pm 7,9$ г/л гача пасайиши, лейкоцитларнинг ўртача $13,5 \pm 4,8 \times 10^9$ /л гача кўпайиши кузатилган, гематокрит $32,5 \pm 3,5\%$ гача пасайиб, ЭЧТ эса $23,6 \pm 6,9$ мм/с гача кўтарилган. Таққослаш гуруҳидаги беморларда даволаниш пайтида умумий билирубин миқдори $23,5 \pm 3,7$ мкмоль/л гача, даволаш пайтида тўғри билирубин миқдори $6,2 \pm 0,87$ мкмоль/л, шунингдек АСТ ва АЛТ фаоллиги мос равишда $48,4 \pm 2,1$ Б/л ва $49,8 \pm 2,3$ Б/л гача ошганлиги аниқланган.

Бу гуруҳдаги беморларда операция вақти 60 дан 90 дақиқача, ўртача $63,6 \pm 9,3$ дақиқани ташкил этган. Интраоперацион гемостаз вақти $3,1 \pm 0,51$ дақиқа. Таққослаш гуруҳида операция давомида қон йўқотиш ҳажми ўртача 78 ± 18 мл ни ташкил этган.

Таққослаш гуруҳида операциядан кейинги биринчи кунда жигар ости соҳадаги дренаж найчадан ажралма 8 (57,1%) ҳолатда сероз, 3 (21,4%) ҳолатда сероз-геморрагик сероз устунлик билан, 2 тасида (14,3%) сероз-геморрагик характерда бўлган ва 1 (7,1%) ҳолатда геморрагик устун бўлган сероз-геморрагик ажралма ажралган, найчадан ажралган ажралма миқдори ва характерига кўра найча олинмаган, 1 нафар (5,3%) беморда 3-куни дренаж найчадан сероз-геморрагик ажралма чиққан. 1 беморда операциядан кейинги

дастлабки 4-кун ажралма миқдори кўп бўлганлиги сабабли, дренаж найча 5-куни олинган. 1-куни дренаждан ажралма ҳажми ўртача 25 мл, 2-куни 18 мл, 3-куни эса 8 мл ни ташкил этган. Таққослаш гуруҳида ўт қопи ўрнида дренаж ўртача $2,4 \pm 0,85$ кун давомида сақланган.

Операциядан кейинги даврнинг биринчи кунда беморларда гипертермия $37,5 \pm 0,41^\circ\text{C}$, иккинчи куни $36,8 \pm 0,43^\circ\text{C}$, 3-кунида ҳарорат меъерий ҳолатга қайтган, $36,6 \pm 0,05^\circ\text{C}$ ни ташкил этган.

Таққослаш гуруҳидаги 3 нафар беморда (21,4%) турли хил асоратлар кузатилган. Операциядан кейинги жароҳатнинг яллиғланиши 1 (7,1%) беморда кузатилган, 2 (14,2%) беморда иситма қайд этилган. Ушбу гуруҳдаги операциядан кейинги ўртача ўрин/кун $2,8 \pm 0,43$ кунни ташкил этган.

Диссертациянинг «**Анъанавий холецистэктомия операциясидан кейинги эрта давр**» деб номланган тўртинчи бобида анъанавий тарзда амалга оширилган холецистэктомия операциясидан кейинги ҳолатини баён қилувчи материаллар ёритиб берилган.

Биринчи (асосий) гуруҳга 43 нафар бемор киритилган, асосий гуруҳда, холецистэктомиядан сўнг ўт қопи ўрнига гемостаз мақсадида янги маҳаллий «Гемогубка» дори воситаси ишлатилган.

Ўт қопи ўрнидан қон кетишида ўт қопи ўрни бутун юзасига гемогубка кукуни сепиш билан тўхтатилган. 2-3 дақиқа давомида гемостаз кузатилган. Гемостаз турғунлиги мезони сифатида кукун сепилган пайтдан бошлаб, қўлланилган препарат гели остидан қон оқишини тўлиқ тўхтатишгача бўлган вақт ҳисобланган. Гуруҳда интраоперацион гемостаз вақти $2,5 \pm 0,79$ дақиқани ташкил этган. Операция давомида қон йўқотиш ҳажми ўртача 72 ± 19 мл ни ташкил этган. Ушбу тоифадаги беморларда операция вақти 60 дан 95 дақиқাগача, ўртача $71,3 \pm 12,5$ дақиқани ташкил этган.

Асосий гуруҳдаги беморларда даволаниш даврида гемоглобиннинг $110,9 \pm 8,5$ г/л гача пасайиши, лейкоцитларнинг меъерга нисбатан $13,1 \pm 4,9 \times 10^9$ /л гача ортиши, гематокритнинг $35,4 \pm 2,4\%$ гача пасайиши ва ЭЧТ нинг $25,9 \pm 8,6$ мм/соатгача ортиши кузатилган.

Асосий гуруҳдаги беморларда қондаги глюкоза миқдорининг $6,2 \pm 1,05$ ммоль/л гача ортиши, билирубиннинг $22,5 \pm 6,1$ мкмоль/л га, тўғри билирубиннинг $5,7 \pm 1,5$ мкмоль/л гача кўтарилиши кузатилган, шунингдек, даволаш даврида АСТ ва АЛТ даражаси нормадан ошиб, мос равишда $44,4 \pm 3,1$ Б/л ва $44,1 \pm 3,9$ Б/л ташкил этган. ПТИ $72,8 \pm 7,8\%$ гача пасайган.

Жигар ости соҳасидаги дренаждан ажралган суюқликнинг ҳажми ва характерини ҳисобга олган ҳолда, 35 нафар беморда дренаж найча 2-куни олиб ташланган. 3-куни фақат 6 ҳолатда ажралма сероз характерда, 2 ҳолатда сероз-геморрагик сероз устунлик билан ажралган. Буни ҳисобга олган ҳолда, жигар ости соҳа УТТ дан сўнг, дренаж найчалар олинган. Фақат 1 ҳолатда, операциядан кейинги дастлабки 3 кун давомида ажралма ҳажми нисбатан кўп бўлганлиги сабабли, дренаж найча 5-куни олиб ташланган. Дренаждан ажралма ҳажми 1-куни ўртача 20 мл, 2-куни 15 мл, 3-куни 10 мл ни ташкил этган. Асосий гуруҳда ўт қопи ўрнида дренаж найча ўртача $1,6 \pm 0,73$ кун давомида сақланган.

Операциядан кейинги даврнинг биринчи кунида беморларда гипертермия $37,3 \pm 0,44$ °C, иккинчи куни $36,8 \pm 0,32$ °C, 3-кунида харорат нормаллашиб, $36,7 \pm 0,24$ °C ни ташкил этган.

Ушбу гуруҳда операциядан кейинги асоратлар 8 (18,5%) беморда кузатилган. Асосий гуруҳда ўт қопи ўрнидан қон кетишини тўхтатиш учун гемогубкадан фойдаланилганлиги ҳамда атроф тўқималарга термик таъсир йўқлиги сабабли операция давомида асоратлар кузатилмаган. Ўт қопи ўрнига гемогубка билан ишлов берилганда гемостатик таъсири электрокоагуляцияга қараганда сезиларли даражада юқори бўлади, шу сабабли ўт қопи ўрнига қайта ишлов беришга ҳожат қолмайди. Операциядан кейинги ўртача ўрин/кун $2,6 \pm 0,93$ кунни ташкил этган.

Назорат гуруҳида 45 нафар беморда ўт қопи ўрни соҳасида гемостаз монополяр коагуляция ёрдамида эришилган.

Беморлар қабул қилинган пайтида гемоглобиннинг ўртача $109,9 \pm 11,6$ г/л гача пасайиши, лейкоцитларнинг меъёрга нисбатан ўртача $14,8 \pm 7 \times 10^9$ /л гача ошиши, гематокритнинг $35,9 \pm 4,5\%$ га камайиши ва ЭЧТ нинг ўртача $26,9 \pm 7,1$ мм/с гача ортиши кузатилган. Назорат гуруҳида қонда глюкоза микдорининг $6,4 \pm 2,14$ ммол/л га, билирубиннинг $26,4 \pm 8,6$ мкмоль/л га, тўғри билирубиннинг $7,5 \pm 1,7$ мкмоль/л гача, шунингдек, даволаш даврида АСТ ва АЛТ меъёрдан мос равишда $61,8 \pm 6,8$ Б/л ва $66,3 \pm 6,7$ Б/л га ошиши кузатилган. ПТИ даражасининг $58,5 \pm 6,4\%$ гача пасайиши кузатилган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг операциядан кейинги биринчи кунида дренаж найчаларидан 37 (82,2%) ҳолатда ажралма сероз-геморрагик ва сероз-геморрагик геморрагик характер устунлиги билан ажралган. 2-куни 18 (40%) беморда дренаж найчасидан сероз-геморрагик ажралма ажралган ва геморрагик устунлик билан сероз-геморрагик ажралма 4 нафаргача камайган. 5 ҳолатда дренаж найчасидан 6 кун давомида сероз ажралма ажралиши туфайли дренаж 7-кунда олинган. Бир беморда ўт қопи ўрнидан қон кетиши, диффуз сероз-геморрагик перитонит сабабли релапаротомия ва ўт қопи ўрни коагуляцияси амалга оширилган. 1-куни дренаждан ажралган суюқлик ҳажми ўртача 45 мл, 2-куни 25 мл, 3-куни эса 15 мл ни ташкил этган. Гуруҳда ўт қопи ўрнида дренаж ўртача $4,2 \pm 1,4$ кун давомида сақланган.

